



THE BRAVE DEFEND THE MOTHERLAND

Rakhbar E. Khalikova

Doctor of historical sciences, professor

Tashkent State Technical University

Tashkent, Uzbekistan

E-mail: rahbarkholikova@mail.ru

ABOUT ARTICLE

Key words: Development strategy, Oliy Majlis, defenders of the homeland, army.

Received: 13. 02. 23

Accepted: 15. 02. 23

Published: 17. 02. 23

Abstract: The article says about Uzbekistan, which has survived 30 years of independence, has a modern compact national army capable of solving any tactical and strategic tasks, fully meeting modern requirements and standards, making decisions that provide for specific measures and actions on many of the most pressing and topical issues and important issues. in the field of military construction; that the work on their implementation is organized efficiently, not in words but in deeds, proves that in terms of professional training our servicemen are not inferior to those of the armies of the leading countries of the world.

МАРДЛАР ҚЎРИҚЛАЙДИ ВАТАННИ

Рахбар Э. Холиқова

Тарих фанлари доктори, профессор

Тошкент давлат техника университети

Тошкент, Ўзбекистон

E-mail: rahbarkholikova@mail.ru

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Тараққиёт стратегияси, Олий Мажлис, ватан ҳимоячилари, армия.

Аннотация: Мақолада ўз мустақиллигининг 30 йиллик тарихий йўлини босиб ўтган, мазмунан бетакрор, миқёсан улкан ишларни амалга оширган Ўзбекистон бугунги кунга келиб, замонавий, ихчам, ҳар қандай тактик ва стратегик вазифаларни ҳал этишга қодир, замон талаблари ва стандартларига тўла-тўқис жавоб берадиган миллий армиясига

эга эканлиги, ҳарбий қурилиш соҳасида кўпгина энг долзарб ва муҳим масалалар бўйича аниқ чора-тадбир ва ҳаракатларни кўзда тутадиган қарорлар қабул қилинганлиги, уларни амалга ошириш бўйича ишлар самарали ташкил этилганлиги, айтилиш вақтида бизнинг ҳарбийларимиз ўзларининг профессионал тайёргарлик даражаси бўйича жаҳондаги етакчи мамлакатлар армияларининг ҳарбий хизматчиларидан асло қолишмаслигини сўзда эмас, амалда исботлаётганлиги ҳақида сўз боради.

ОТВАЖНЫЕ ЗАЩИЩАЮТ РОДИНУ

Рахбар Э. Халикова

доктор исторических наук, профессор

Ташкентский государственный технический университет

Ташкент, Узбекистан

E-mail: rahbarkholikova@mail.ru

О СТАТЬЕ

Ключевые слова:	Стратегия	Аннотация:
развития, Олий Мажлис, Родины, армия.	защитники	В статье говорится, об Узбекистане пережившее 30 лет независимости, имеющую современную компактную национальную армию, способную решать любые тактические и стратегические задачи, полностью отвечающую современным требованиям и стандартам, принимающие решения, предусматривающие конкретные меры и действия по многим наиболее актуальным и актуальным вопросам и важные вопросы в области военного строительства; что работа по их внедрению организована эффективно, не на словах а на деле, доказывает, что по уровню профессиональной подготовки наши военнослужащие не уступают военнослужащим армий ведущих стран мира.

КИРИШ

Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ Ватан хавфсизлигини мустаҳкамлаш, ҳудудий бутунликни сақлаш давлат эътиборида бўлди. 1991 йил 31 августда давлат мустақиллигининг эълон қилиниши, "Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида"ги конституциявий қонуннинг қабул қилиниши Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларини шакллантиришда ҳукукий асос бўлиб хизмат қилди. 1991 йил сентябрида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги

тузилди. 1992 йил 14 январь куни давлатимиз тарихида яна бир муҳим қадам қўйилди. Шу кундан эътиборан мамлакатимиз ҳудудидаги барча ҳарбий қисмлар ва бўлинмалар Ўзбекистон юрисдикцияси (тасарруфи)га ўтказилиши тўғрисида қарор қабул қилинди. Шу тариқа Ватан ҳимоячилари куни ҳар йили кенг нишонланиб, халқимизнинг кўнгилдан чуқур жой олиб бормокда.

АСОСИЙ ҚИСМ

Ўзбекистон Қуролли кучлари қуруқликдаги қўшинлар, ҳарбий ҳаво кучлари, ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари, махсус ва муҳандислик-қурилиш қўшинлари ҳамда Миллий гвардиядан иборат.

Мустақиллик йилларида Қуролли кучларимизни замонавий ҳарбий техника, қурол аслаҳалар билан таъминлаш даражаси тобора ўсиб бормокда.

Ўтган 30 йил ичида мамлакатимиз ҳавфсизлигига таҳдид солиши мумкин бўлган ҳавф-хатарлар ҳар томонлама таҳлил этилиб, армиямизнинг ислоҳ қилишнинг узок муддатли дастури ишлаб чиқилди ва у изчил амалга оширилмокда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддасига мувофиқ Президент мамлакат Қуролли Кучларининг Олий Бош Қўмондони ҳисобланади.

Президентимиз, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида олиб борилётган очик прагматик сиёсат натижасида жонажон Ватанимиз ўзининг тинчликсевар сиёсатига ҳамиша содиқ бўлиб келаяпти. Бизнинг Ҳарбий доктринамиз мудофаа хусусиятига эга бўлиб, Қуролли Кучларимизни мустаҳкамлаш, биринчи навбатда, давлат суверенитети ва мамлакатимиз ҳудудий яхлитлигини, одамларимизнинг тинчлиги ҳамда осойишталигини ҳимоя қилишга йўналтирилгандир.

Ҳозирги кунда дунёда олдиндан айтиш қийин бўлган вазият ҳукм сураётган мураккаб бир шароитда мамлакатимиз ҳавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини, жамиятимизда тинчлик ва тотувликни таъминлаш нақадар муҳим аҳамиятга эга эканини чуқур англаган ҳолда, 2022-2026 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича қабул қилган “Тараққиёт стратегияси”да юртимиз мудофаа салоҳиятини янада мустаҳкамлаш ва Қуролли Кучларимизни ривожлантиришни устувор йўналишлардан бири сифатида белгиланди.

Ушбу Стратегия асосида ўтган йил давомида мамлакатимиз ҳаётининг бошқа тармоқлари қаторида ҳарбий қурилиш соҳасида кўпгина энг долзарб ва муҳим масалалар бўйича аниқ чора-тадбир ва ҳаракатларни кўзда тутадиган қарорлар қабул қилинди, уларни амалга ошириш бўйича ишлар самарали ташкил этилди.

Шу тариқа қисқа вақт мобайнида аниқ натижаларга эришилди, Қуролли Кучлар келгусидаги қиёфасини белгилаб берадиган стратегик тамойиллар ва ана шу мақсадга эришишга қаратилган кенг қўламли комплекс чора-тадбир ишлаб чиқилди.

Аввало, ташқи сиёсат мослашувчанлиги ва очиқлиги, қўшниларимиз билан дўстона ва амалий муносабатларни ривожлантириш, Ватанимиз мустақиллиги ва суверенитетини сақлаш энг устувор вазифа экани ҳақидаги принциплар асосида Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа доктринаси янгиланган ҳолда қабул қилинди.

Бу доктринанинг маъно-мазмунини биринчи марта очиқлик хусусиятига эга бўлди. Бу эса бизнинг мудофаа сиёсатимизнинг шаффофлигини намойиш этмоқда. Доктринада Ўзбекистоннинг мудофаа соҳасидаги сиёсати бўйича принципиал ёндашувлар, уларни қўллаш асослари, Қуролли Кучлар олдида турган вазифалар, шунингдек, миллий армиямиз қурилиши ва ривожланишини давом эттириш бўйича истиқболли йўналишлар белгилаб берилди. Шу муносабат билан Президент Шавкат Мирзиёев томонидан Олий Мажлиснинг Мудофаа доктринасини амалга ошириш, бу масала бўйича мунтазам равишда парламент назоратини олиб бориши мақсадга мувофиқлиги алоҳида таъкидланди. Депутат ва сенаторларимиз мудофаа ва ҳарбий қурилиш масалаларига бефарқ бўлмасдан, бу борада ўз фаолиятларини кучайтиришлари, ҳар бир чоракда икки марта Олий Мажлис палаталарининг йиғилишларида ушбу йўналишдаги ишларнинг аҳволини муҳокама қилиб бориш таклифи олдинга сурилди.

Ушбу таклифга биноан Қуролли Кучлар Академисидан Олий Мажлис Сенати Мудофаа ва ҳавфсизлик масалалари қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Ушбу йиғилишда Хоразм вилоятидаги ҳарбий қисмлар фаолияти ва мудофаа ишлари қай йўсинда олиб борилаётганлиги ҳақида маълумотлар эшитилди. Унда Мудофаа вазири ўринбосари томонидан мамлакатимиз қуролли кучлари ва ҳарбий қурилишни ривожлантириш ҳамда ҳарбий хизматни ўташ ва ҳарбий ҳавфсизликни таъминлаш бўйича 2021 йилнинг 11 ойи давомида бажарилган ишлар ҳолати таҳлил қилинди. Бугунги кунда “жанговор тайёргарлик машғулотларини сифатли ўтказиш ва муносиб хизмат шароитларини яратиш мақсадида 20 та полигон янгидан қурилган ва замонавий ўқув-моддий база билан жиҳозланган.

Бундан ташқари ҳар йили такрорланиб ўтказиладиган машғулотларга чек қўйилиб, ҳафтанинг кетма-кет 4 куни фақат жанговор тайёргарликка қаратилган ҳамда амалий машғулотлар сифати ва сони оширилган. ” Шунингдек берилган маълумотларда бугунги кунда ҳарбий таълим муассасаларига ўқишга жалб қилиш ишлари қай тарзда эканлигига ҳам эътибор берилган.

Шиддат билан ўзгараётган Янги Ўзбекистонда ёш авлодда қатъий ҳаётий позиция ва Ватан тақдири учун юксак масъулият туйғусини шакллантириш муҳим аҳамиятга эга. Шунини ҳисобга олиб, мамлакатимизда ўрта мактабдан бошлаб олий ўқув юр்தларигача қамраб оладиган узлуксиз ҳарбий таълим ва ватанпарварлик тарбияси бўйича ўзига хос ноёб ва яхлит тизим яратилмоқда. Унга кўра мутлақо янги Қуролли Кучлар академиясини шакллантириш, ҳарбий билим юр்தлари, лицей ва коллежлар фаолиятини такомиллаштириш, «Темурбеклар мактаби» ҳарбий академик лицейлари ташкил этилмоқда.

“Темурбеклар мактаби”да таълим тизими тубдан ислоҳ қилиниши натижасида битирувчиларнинг олий ва олий ҳарбий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиниши сўнгги 5 йилда 17 фоиздан 98 фоизга кўтарилди. Аини чоғда 300 нафарга яқин ҳарбий хизматчилар Россия, АҚШ, Туркия, Германия, Хитой, Покистон, Ҳиндистон, Беларусь, Италия, Буюк Британия, Жанубий Корея олий ҳарбий таълим муассасалари ва ўқув марказларида таълим олиб келган ва тайёргарликдан ўтган”.

Бундай тайёргарликдан ўтган ҳарбий хизматчилар фаолият кўрсатадиган таълим муассасаларида ўқувчилар ҳарбий кўникмаларни эгаллаши ва жисмонан чиникиши учун етарли имкониятлар мавжудлиги мамлакатимиз мудофаа тизимини мустаҳкамлаш йўлида олиб борилган ислохотлар натижасидир. Ўқув-тарбия жараёнида ёшларни ҳарбий касбга йўналтиришнинг самарали усуллари, илғор педагогик технологиялардан кенг фойдаланилаётир.

“Дунёдаги энг юксак стандартлар даражасида ташкил этилган узлуксиз ҳарбий таълим тизими изчил ривожлантириб борилмоқда. Ҳозирги пайтда янгитдан тузилган, моҳият эътибори билан ноёб бўлган Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институти мамлакатимизнинг замонавий олий таълим муассасалари қаторидан муносиб жой эгаллади.

Шу билан бирга, бошқарувнинг тезкор-стратегик бўғинида хизмат қиладиган офицер кадрларни тайёрлайдиган янги факультет ташкил этилди, Қуролли Кучлар академиясида кўшимча таълим инфратузилмалари фойдаланишга топширилди. Махсус вазифаларни бажарадиган бўлинмалар учун ҳарбий хизматчилар тайёрлайдиган ўқув марказини ташкил этиш жараёни ниҳоясига етказилди”.

Миллий гвардиянинг Ҳарбий-техник институти фаолиятини такомиллаштириш бўйича катта ишлар олиб борилди.

Жанговар тайёргарликнинг модернизация қилинган, мослашувчан тизимини жорий этиш билан уйғун ҳолда, Қуролли Кучларнинг янги ташкилий тузилмага ўтказилиши

миллий армиямизнинг жанговар тайёргарлиги ва жанговар қобилиятини бир неча баробар оширди.

Бугунги кунда бизнинг ҳарбийларимиз ўзларининг профессионал тайёргарлик даражаси бўйича жаҳондаги етакчи мамлакатлар армияларининг ҳарбий хизматчиларидан асло қолишмаслигини сўзда эмас, амалда исботламоқда. Халқаро ҳарбий ўқув мусобақаларида, армиялар ўртасидаги ва спорт беллашувларида Ўзбекистон вакиллари ўзларининг маҳорати, руҳан бақувватлиги, ғалабага бўлган иродасини намоён этмоқда, буюк аجدодларимизнинг муносиб ворислари эканликларини яққол кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги тизимда яқин йиллар давомида эришилган 15 та юқори натижани санаб ўтсак:

1. Санкт-Петербург шаҳрида МДХга аъзо давлатларнинг олий таълимгача муассасалари ўртасида илк бор ўтказилган халқаро олимпиадада Ўзбекистон «Темурбеклар мактаби» ўқувчилари 2-ўринни эгаллади.

2. Ўзбекистон армиясининг жанговар самарадорлиги 10-12 фоизга, жанговар қудрат қарийб икки баробарга ошди.

3. Ҳарбий соҳада махсус тиббий кўрик босқичлари икки баробарга қисқарадиган бўлди.

4. Президент қарорига асосан, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетининг Махсус факультети Мудофаа вазирлиги Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институти этиб қайта ташкил этилди.

5. Ўзбекистон Қуролли Кучлари Ахлоқий-руҳий таъминот концепцияси тасдиқланди.

6. Мудофаа вазирлиги кўшинлари фаолиятига замонавий илмий-техник ва рационализаторлик ишланмаларини киритиш мақсадида илк бор «Techno Discovery-2019» фестивали ўтказилди.

7. Мудофаа вазирлиги ташаббуси билан 200дан ортиқ ҳарбий созандалар «Ёшлар куни»га бағишлаб Халқлар дўстлиги майдонида оркестрлар фестивалини ўтказди.

8. Мудофаа вазирлиги кўшинларида муддатли ҳарбий хизматни ўтаган жами 1239 нафар аскарга имтиёзли кредит ажратилди.

9. Каттакўрғонда Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги тизимидаги энг катта полигон қурилди.

10. «Халқаро армия ўйинлари – 2019»нинг танк биатлони йўналиши бўйича илк бор иштирок этган ўзбекистонлик ҳарбий хизматчилар энг яхши натижани қайд этиб, ғалабага

эришди. Шунингдек, «Фориш» полигонда ўтказилган «Ҳарбий-тиббий эстафета»да ҳам Ўзбекистон биринчилигини қўлга киритди.

11. Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчилари «Марказ-2019» халқаро ўқув-машғулотида қатнашди.

12. Ўзбекистон Қуролли Кучлари академиясида замонавий ҳарбий можароларга бағишланган биринчи халқаро илмий-амалий анжуман ўтказилди.

13. Ўзбекистон ҳарбийлари Англияда ўтказилган халқаро «Кембрия патрули» танловида 1-ўринни қўлга киритди.

14. Россия ҳарбий академиясида Ўзбекистон армиясига бағишланган махсус бурчак пайдо бўлди.

15. Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчилари АҚШ ҳарбий хизматчилари (Миссисипи, АҚШ) ўртасида ҳар йили анъанавий равишда ўтказиладиган «Энг яхши жангчи» ҳарбий танловида иштирок этиб, ўз тоифаларида 1-ўринни қўлга киритди.

Ўзбекистонлик ҳарбий хизматчилар 2021 йилда ҳам Халқаро армия ўйинларида фаол қатнашмоқда.

Дунёнинг 11 давлат ҳудудларида 42 мамлакат вакилларида иборат 277 жамоа иштирок этаётган “АрМИ-2021” Халқаро армия ўйинларида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги жамоаси яна бир йўналишда ғолиблигини қўлга киритди.

“АрМИ-2021” Халқаро армия ўйинларининг “Дала ошхонаси” танловида иштирок этган Ўзбекистон жамоаси Россия, Беларусь, Вьетнам, Тожикистон каби давлат жамоаларини ортида қолдириб, умумий жамоа ҳисобига яна бир “Олтин медаль”ни олиб келдилар.

Бугунги кун ҳолатига кўра Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги жамоалари умумий ҳисобда 4 та олтин медални қўлга киритди. Булар:

1. “Содиқ дўст” мусобақасининг эркалар жамоаси;
2. “Содиқ дўст” мусобақасининг аёллар жамоаси;
3. “Ҳарбий-тиббий эстафета” мусобақаси жамоаси;
4. “Дала ошхонаси” мусобақаси жамоаси.

Ушбу мусобақада қўлга киритилган “Олтин медаль”лар мамлакатимиз Мустиқчилигимизнинг 30 йиллик шодиёнасига совға бўлди.

ХУЛОСА

Бугунги кунда бизнинг ҳарбийларимиз ўзларининг профессионал тайёргарлик даражаси бўйича жаҳондаги етакчи мамлакатлар армияларининг ҳарбий хизматчиларидан

асло қолишмаслигини сўзда эмас, амалда исботламоқда. Халқаро ҳарбий ўқув мусобақаларида, армиялар ўртасидаги ва спорт беллашувларида Ўзбекистон вакиллари ўзларининг маҳорати, руҳан бақувватлиги, ғалабага бўлган иродасини намоён этмоқда, буюк аجدодларимизнинг муносиб ворислари эканликларини яққол кўрсатмоқда.

Сўзимизнинг исботи сифатида "Global Firepower"нинг 2023 йилги дунёдаги энг кучли армиялар рейтингида Ўзбекистон 145 та давлат орасида 62-ўринни эгаллаганлиги ҳам бизни қувонтиради. Марказий Осиё давлатларидан Қозоғистон 63, Туркменистон 82, Қирғизистон 107, Тожикистон 120 ўринларни, қўшни Афғонистон эса 114 ўринни эгаллашибди.

Ҳеч шубҳасиз, буларнинг барчаси бутун Ўзбекистон халқида, айниқса, ёшларимизда миллий армиямиз билан фахрланиш туйғусини, Ватан ҳимоячисидек шарафли касбга ҳурмат-эҳтиром ҳиссини уйғотмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасини ўрганиш ва кенг жамоатчилик ўртасида тарғиб этишга бағишланган ИЛМИЙ-ОММАБОП ҚЎЛЛАНМА, Тошкент, "Маънавият", 2019. 250-бет.
2. Мудофаа тизимидаги ишлар ҳолати қандай, Халқ сўзи, 2021 йил 22 декабрь, № 273.
3. Шавкат Мирзиёев. Янги Ўзбекистон Стратегияси. Тошкент. "O'zbekiston" нашриёти. 2021. Б-223
4. Kholikova, R. E. (2022). THE NEW UZBEKISTAN IS A COUNTRY OF GREAT POTENTIAL (ON THE EXAMPLE OF WOMEN). ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ, 5(10).
5. Холиқова, Р. Э. (2022). ТУРИЗМ ХИЗМАТЛАРИНИ ТАРАҚҚИЙ ЭТТИРИШДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ИШТИРОКИ. Results of National Scientific Research International Journal, 1(7), 204-213.
6. Холикова, Р. Э. (2022). БУХОРО АМИРЛИГИДА ҲУНАРМАНДЧИЛИКНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИХАТЛАРИ. ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ, (SI-1).
7. Холикова, Р. Э. (2021). XIX АСР ОХИРИ–XX АСР БОШЛАРИДА БУХОРО АМИРЛИГИДАГИ КУТУБХОНАЛАР ТАРИХИДАН (Муҳаммаджон Садри Зиё ва Мир Сиддик Ҳашмат кутубхоналари мисолида). ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ, 4(9).
8. Khalikova, R. E., Esonov, A. O., & Makhammadieva, S. I. (2021). Modern Methods of Teaching History for School-age Children. International Journal of Early Childhood Special Education, 13(2).

9. KHOLIKOVA, R. E. (2021). Activities of the political agency of the Russian empire in the emirate of Bukhara. Journal of Contemporary Issues in Business and Government| Vol, 27(3), 1331.
10. Холикова, Р. Э. (2020). БУХОРО ХОНЛИГИДАГИ РАБОТ ВА САРДОБАЛАР ҚУРИЛИШИ ТАРИХИДАН. ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ, (SI-1№ 1).
11. Холикова, Р. Э. (2020). БУХОРО ХОНЛИГИДАГИ РАБОТ ВА САРДОБАЛАР ҚУРИЛИШИ ТАРИХИДАН. ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ, (SI-1№ 1).
12. ҲОЛИҚОВА, Р. XIX АСРДА БУХОРО АМИРЛИГИДАГИ ҲУНАРМАНДЧИЛИК ВА САВДО АЛОҚАЛАРИ. UNIVERSITETI XABARLARI, 2019, [1/4] ISSN 2181-7324.
13. Холикова, Р. Э. To genealogy Astanakulov cosbey Prime Minister of the Emirate of Bukhara (1888-1910) (according to his relatives) Holikova R. К генеалогии Астанакула кошбеги–премьер-министра Бухарского эмирата (1888-1910 гг.) (со слов его родственников). PROBLEMS OF MODERN SCIENCE AND EDUCATION, 30.